МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ

**Бугун бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган десак, муболаға бўлмас. Негаки, юртимизда иқтисодий ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу эса ўз самарасини бераётир. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг жадал барпо этилаётгани, унинг биринчи навбатини эса тез орада ишга тушириш мўлжалланаётгани бунинг ёрқин далилидир.**

# САНОАТИМИЗ ГУЛТОЖИ

### ЧЎЛДА ҲАЛОВАТ ТОПГАНЛАР

-- 1993 йилда «Бухоронефтзаводқурилиш» тресги ташкил этилди, -- дея эслайди унинг бошлиғи Анвар Ражабов. -- Дастлаб бўлажак қурилиш иншооти тикланадиган жойга битта вагонуйча олиб келдик. Жазирама иссиқ, чор-атроф эса қип-қизил барханлардан иборат денг. Ишни қумни ташишдан бошладик. Қисқа муддатда юзлаб тонна қум узоқроқ масофага элтиб ташланди. Бу орада трест ҳам оёққа турди. Жамоага тажрибали ишчилар қабул қилиниб, уларнинг сони 1200 кишига етказилди.

Мен гапни беҳудага тажрибали ишчилардан бошламадим. Чунки трестимиз зиммасига энг масъулиятли топшириқ:14 та 20 минг, 10 та 5 минг, 17 та 2 минг кубометр сиғимлик резервуарларни қуриб битказиш юклатилган эди. Ҳозирга қадар ана шу юмушларнинг ҳаммаси адо этилди. Бундан ташқари, бирваракайига 52 та вагонни маҳсулот билан тўлдирадиган 350 метрлик эстакада фойдаланишга топширилди. Аслида уни саккиз ойда тиклаш кўзда тутилганди. Жамоамизнинг ғайрат-шижоати туфайли у 57 кунда ишга туширилди. Айни кунларда эстакада ёрдамида ҳар куни икки эшелон газ конденсати Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига жўнатилмоқда.

Конденсат эса Қоровулбозорга Кўкдумалоқ газ конидан қувурлар орқали келтирилаётир.

-- 97 километрлик бу қувурларни ҳам икки йил аввал ишчи-хизматчиларимиз ётқизишганди, -- сўзида давом этди Анвар ака. -- Манави шовуллаб турган эллик гектарлик боғ ҳам уларнинг иши. Дов-дарахтларни сув билан таъминлаш мақсадида эса «Дўстлик» ка-



налидан беш километрлик қувур тортилди. Худо хоҳласа, бу йил боғимизнинг бу қисми ҳосилга киради...

Трест ишчилари ҳар ойда 1991 йил нархида тўрт миллион сўмлик иш бажармоқда. Бугунгача эса бу кўрсаткич икки миллиард сўмликни ташкил этди.

### 102-НАВЛИ ЁНИЛҒИ

Французларнинг «Тектип» фирмаси томонидан бу ерга келтирилаётган энг замонавий ускуналарни Туркиянинг «Гама» фирмаси мутахассислари ўрнатмоқда. Жаҳон андозаси талабига тўлиқ жавоб берадиган ана шу ускуналар ёрдамида 102-навли тоза ёнилғи ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Зарур бўлган тақдирда, ундан хоҳлаган навдаги маҳсулотни олиш мумкин.

«Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Толиб Умрзоқовнинг айтишича, республика аҳамиятига молик мазкур иншоотда ҳозир Франция ва Туркия ишбилармонлари билан бирга республиканинг барча вилоятларидан келган 18 та трест ишчи-хизматчилари иш олиб бормоқда. Уларнинг сони ўн минг кишини ташкил этади. Бунёдкорларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида режа 108 фоизга уддаланди.



### ЗАРБДОР КУНЛАР ҲИСОБИ

-- Заводнинг ишга туширилишига саноқли кунлар қолди. Демак, биз учун ҳар бир дақиқа ҳисобда. Ишончимиз комилки, ваъда, албатта, бажарилади. Негаки, бугунгача белгиланган



юмушларнинг 95 фоизидан зиёди қўлдан чиқарилди, -- деди корхона директори Эгамберди Саидаҳмедов.

У бу йил ўттиз саккиз баҳорни қаршилади, техника фанлари номзоди. Аввал Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида бош технолог вазифасида ишлаган.

Бўлажак корхона учун тажрибали мутахассислар керак, албатта. Шу боис бугунги кунда 33 нафар йигит Францияда таҳсил олмоқда. Ўтган йили эса 170 киши Фарғона нефть техникумини битириб келган эди. Айни пайтда улар Қоровулбозорда янги ускуналарнинг ишлаш жараёни билан танишиб, малака оширмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, заводда ишлайдиганлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Нефтчилар шаҳарчасида 644 та икки қаватли коттеж қуриб битказилди. Унинг ярмини комиссия қабул қилиб олди. Қолгани ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, бу ерда ўнлаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари, ясли ва мактаблар барпо этилди.

### АРМОНСИЗ КИШИЛАР

Қоровулбозорда қурилаётган ушбу заводнинг мислсиз кўламию аҳамиятини ҳатто қурувчиларнинг ўзлари ҳам йиллар ўтган сайин яққолроқ тушуниб бормоқда. Шу маънода, уларни бемалол армонсиз кишилар, деб аташимиз мумкин. «Қаршиқурилиш» бирлашмасига қарашли 15-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Муродилло Худойқуловнинг таъкидлашича, тўрт йилдирки, у раҳбарлик қилаётган 500 кишидан иборат жамоа нефтчилар шаҳарчасини тиклашда иштирок этаяпти. Ўтган муддатда 96 ўринли ётоқхона, 624 ўринли мактаб ҳамда 67 та коттеж қуриб битказилди. Ана шу иншоотлар учун уч километрлик сув ва бир ярим километрлик иссиқлик қувурлари тортилди.

Суҳбатга Қоровулбозор тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Қодир Жўраев қўшилди.

-- Дастлаб биз бўлажак заводнинг трансформатор пунктини тиклаган эдик, -- деди у. -- Кейинчалик юз ва олти юз киловаттли кичик станциялар ва 35,7 километр узунликдаги ўн киловаттлик ҳаво линияси ишга туширилди.

Республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тармоққа 336 миллион сўм ажратилган эди. Бу маблағ эвазига маъмурият биноси, созлаш-ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда ишчилар учун қирқта турар жой коттежи барпо этилди. Сабаби -- уларнинг кўпчилиги қўшни туманлардан қатнаб ишламоқда. 1997 йил -- Инсон манфаатлари йилида меҳнат аҳлига озгина бўлса-да қулайлик яратиш бизнинг бурчимиздир.

### ТУМАН НУФУЗИ 2,5 ҲИССА КЎПАЙДИ

-- Қоровулбозор тумани ташкил этилганида, бу ерда 8 минг нафардан кўпроқ аҳоли яшарди, -- дейди туман ҳокимининг шаҳар бўйича муовини Фозил Қудратов биз билан суҳбатда. -- Нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши шарофати туфайли унинг сони йигирма мингга етди, яъни нуфуз даражаси 2,5 ҳисса ошиб, маҳаллалар сони эса 2 тадан 4 тага кўпайди.

Асака ва Қоровулбозор... Бирида яп-янги машиналар тайёрланаётган бўлса, иккинчисида тез орада катта миқдорда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Булар, юқорида айтилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Булар оламшумул воқеалардир, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий қудратимизни ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш мезонларидир.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

***Жаҳон хўжалик алоқалари тобора кенгайиб бораётган шароитда ахборотдан хабардор бўлиш иқтисодий муваффақиятга эришишнинг асосий шартларидан бирига айланмоқда.***

Шу сабабли интеллектуал мулкнинг бир тури ҳисобланган дастурий маҳсулотлар ва компьютер технологияларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкентда шу мавзуга бағишланган халқаро семинар очилди. Бундай семинар Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС) томонидан Марказий Осиё мамлакатлари учун Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда давлат патент маҳкамаси билан ҳамкорликда биринчи марта ўтказилмоқда. Семинарда Англия, АҚШ, Швейцария мутахассислари, Марказий Осиё минтақаси давлатларидаги муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган хизматларнинг раҳбарлари ва ходимлари иштирок этмоқда.

Семинарни Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев очди. Компьютер технологияларининг маърифий бозорини барпо этиш ҳозирги пайтда интеграция жараёнини ривожлантиришнинг муҳим талаби экани таъкидланди. Бугунги кунда инсон фаолиятининг амалда ҳар қандай ҳажмдаги ахборотни олишга имкон берадиган компьютердан фойдаланилмаётган бирор соҳаси йўқ. Инсон ақл-зиёсининг маҳсулоти -- компьютер тилини билиш жамиятни ривожлантиришда жадал сифат ўзгаришларига эришиш имконини беради. Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг бир қисми бўлгани сабабли, компьютер технологияларини ишлаб чиқувчилар учун муаллиф ҳуқуқларининг аниқ кафолотларини яратишдан манфаатдордир. Мамлакатимиз ВОИС аъзоси бўлиб, республикамизда халқаро меъёрларни ҳисобга олган ҳолда муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг давлат тузилмалари барпо этилган. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базасининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида бир қанча қонунлар қабул қилинган бўлиб, ҳозир улар амалдадир.

ВОИС муаллифлик ҳуқуқи департаменти директори Михай Фичор семинар иштирокчиларини қутлаб, жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти мутахассислари ЭҲМ дастурий таъминотини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасидаги жаҳон тажрибасини батафсил таҳлил этишгани, бу муҳофаза шаклларини бир-бирига мослаштириш борасида ҳамда халқаро иқтисодий интеграция учун зарур бўлган тавсиялар ишлаб чиқилганини баён қилди.

Семинар дастурида турли мамлакатларда амал қилинаётган компьютер технологияларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг меъёрларини ҳамда уларни жаҳонда ишлаб чиқилган қоидаларга мувофиқлаштириш имкониятларини муҳокама этиш кўзда тутилган. Семинар иштирокчилари Марказий Осиё республикаларида интеллектуал мулкни муҳофаза қилишнинг ҳолати тўғрисида маърузаларни тинглайдилар ва уни такомиллаштириш йўлларини белгилайдилар.

**(ЎзА).**

***Шу кунларда Қўқон тўқимачилик комбинати қурилишида 399-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ҳам фаол иштирок этишаяпти. Улар айни пайтда ана шу комбинат учун зарур бўлган сув иншоотини барпо этишаяпти.***

*СУРАТДА: электр пайвандчи Ш. Деҳқонов.*

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ,**
**И. МАМАРАҲИМОВ**
**олган сурат.**



## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

### ЖАҲОНДА ЯГОНА

ЎзФА Электроника институти электроэрозия лабораториясининг мудири, физика-математика фанлари доктори Эркин Абдукаримов раҳбарлигида янги электроэрозион дастгоҳ яратилди. Жаҳонда ягона ушбу дастгоҳ барча электр ўтказувчи материалларга электроэрозия усули билан ишлов беради. Унинг биринчи тажриба нусхаси институтнинг тажриба заводида ишлаб чиқилиб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Мазкур дастгоҳ ёрдамида ҳар қандай чуқурликдаги (0,1 ммдан 5 мм ва ундан юқори диаметрда) электр ўтказувчи материалларда уларнинг юмшоқ, қаттиқлиги, оғирлиги ва ҳажмидан қатъий назар, турли тешиклар ҳосил қилиш мумкин. Бу эса ундан машинасозлик, самолётсозлик, автомобилсозлик, космик радиоэлектроника саноатида кенг фойдаланишга имкон беради. Энг асосийси, у шу типдаги чет эл дастгоҳларидан камида 10 марта арзон. Ушбу ихтиро кўпгина халқаро кўргазмаларда мутахассисларнинг юксак баҳосини олди.

Швейцариянинг Георг Фишер фирмаси биринчи бўлиб унинг лицензиясини сотиб олди.

Ихтиро Чкалов номли авиасозлар бирлашмасида, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар корхонасида ҳамда кабель саноатида қўлланилмоқда.

**И. ШЕРМУҲАМЕДОВ.**

### МУНОСИБ УЛУШ

Тахиатош темир-бетон маҳсулотлари заводи мамлакатимиздаги энг йирик қурилишлардан бўлган Қўнғирот сода заводининг бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналардан биридир. Мазкур завод жамоаси йил бошидан ушбу қурилиш таъминоти учун умумий баҳоси 20 миллион сўмга яқин бўлган кўп турдаги темир-бетон маҳсулотларини етказиб беришга муваффақ бўлди.

Шуниси қувонарлики, корхона фақат сўнгги икки ойнинг ўзида деярли 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАРАНГЛАР ТАЛАБГОР

Зарафшон шаҳрида «Далол» кичик корхонаси иш бошлади. Номининг моҳиятига ҳеч бир алоқаси йўқ. Боиси, «Далол» олиб сотарлик ёки воситачилик билан боғлиқ ишларни мутлақо олиб бормайди. Аксинча, туя жунидан кўрпа, ёстиқ, белбоғ, чопон, халат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиган.

Корхонага тадбиркор аёл Зинаида Дементьева раҳбарлик қилмоқда. Унинг қўл остидаги қирқ нафар хотин-қиз эса уй юмушидан ажралмаган ҳолда ишлашаяпти. Уларнинг ғайрати туфайли корхонада йил бошидан буён 1 миллион 660 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Сифати ҳам чакки эмас. Шу сабабдан хорижликларда бу маҳсулотларга қизиқиш катта. Фаранг тадбиркорларининг унга буюртма берганлиги бунинг далили эмасми?

**Т. ЭШБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИНГ 32/36, 33, 44-АТСЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**32/36, 33-рақамли электрон АТСлари ва 44-АТСда абонентлар учун 12 та қўшимча хизмат туридан фойдаланиш имконияти яратилган:**

- *рақамни қисқартма ҳолда териш;*
- *рақамни термай уланиш;*
- *кимдир қўнғироқ қилса, алоқани вақтинча таъқиқлаш;*
- *чет қўнғироқни бошқа манзилга узатиш (АТС ичкарисида);*
- *чет ва ўзи қўнғироқ қилса, алоқани вақтинча таъқиқлаш;*
- *янги қўнғироқ бўлаётганидан хабардор бўлиш;*
- *абонентни буюртма билан чақириш (уйғотиш, эслатиш);*
- *чет қўнғироқни автоахборотчи ёки топшириқлар бюросига узатиш;*
- *рақамни термай қайта қўнғироқ қилиш;*
- *абонентнинг истаги билан қўнғироқ қилган абонентнинг телефон рақамини аниқлаш;*
- *конференц-алоқа (бир вақтда бир неча абонент билан гаплашиш);*
- *кимдир қўнғироқ қилган чоғда абонент банд бўлса, қўнғироқни котибага ёки бошқа аппаратга йўналтириш.*

**ЭСЛАТМА:** *Янги АТСларнинг ушбу имкониятларидан фойдаланиш учун рақам овоз чиқариб териладиган телефон аппаратига эга бўлиши лозим.*

**Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш лозим:**

- *32/36 ва 33-АТСлар абонентлари учун:* **36-18-20;**
- *44-АТС абонентлари учун:* **29-88-43, 29-88-45.**



*Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.*


*СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ҲАЁТИ*

# МАҲАМАДАЛИНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

***Андижонлик Маҳамадали Назаровни нима жин урди-ҳайронмиз. Дуппа-дуруст одам эди. Олий маълумотли, беш фарзанднинг отаси, илгари бирон-бир қинғир йўлга кирмаган одам кейинги пайтда айниди-қўйди. Аввалига ишдан шартта бўшаб олди. Шаҳарма-шаҳар изғишни одат қилди. Алининг дўпписини Валига, Валининг дўпписини Алига кийдириб кун кўрадиган бўлди.***

Ҳар икки куннинг бирида Тошкент «Отчопар» бозорида пайдо бўлиб қолади. Бу гал тунги бозордан катта савдо қилди. Ҳар бири 200 литрлик елим идишларнинг 40 тасига спиртни тўлдириб, қаерда тайёрлангани номаълум бўлган арoқ-коньякларни яшикларга жойлади-да тонг саҳарда Андижонга йўл олди. Бора-боргунча келадиган даромадни ўзича хомчўт қилиб борди.

Андижонда бозори бароридан келди. Биринчи куниёқ юртдоши Азизбек Бўтабоевга 40 литр спиртни 14 минг 800 сўмга пуллади. Бошқа мижозлар ҳам турна қатор келаверишди.

Савдо қизиган пайтда вилоят солиқчилари ишнинг белига «тепиб» қолишса бўладими. Текшириб кўришса, спиртнинг на ҳужжати, на сотишга рухсати бор экан. Сифатини кафолатлайдиган сертификати ҳам йўқ. Уни истеъмол қилиш мумкинми ёки йўқми -- бу ҳам номаълум. Шундан кейин идишлардаги 8000 литр спирт сотишдан тўхтатилиб, қайта текшириш учун далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Гал яшиклардаги арoқ ва коньякларга келди. Солиқчилар санаб кўришса 0,7 литрли «Иванов» арoғидан 235 та, «Порто-Мария» коньягидан 228 та, «Александр» коньягидан 240 та чиқди. Уларнинг тагига ҳажми бир литрлик бўлган «Асланов», «Николай-2», «Роно», «Майорская» деб номланган ранг-го-ранг арoқлардан 552 шиша тахлаб юборилган экан. Уларнинг бирортасига ҳам акциз маркаси ёпиштирилмаган. Қаерда тайёрланганлиги ҳам номаълум.

Маҳамадали фақат спиртфурушлик ёки арoқфурушлик билан чекланиб қолмай макаронфурушликка ҳам «ишқи» тушган экан. Лекин хонадонига босиб қўйилган Эроннинг «Пироус» макаронларига бирорта ҳам ҳужжат кўрсата олмади. 400 граммдан қилиб қадоқланган 2255 дона макарон истеъмолга яроқлими ёки йўқми, ўзи ҳам билмайди.

Ҳозир қаёққа қараманг мана шундай олди-сотдилар. Қўлларида ҳужжатлари бўлса майли-я, лекин тадбиркорларнинг бу тури билан шуғулланувчиларида кўпинча на ҳужжат, на рухсат бўлади. Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси ходимлари «Ғишт кўприк» ҳамда Навоий божхона постлари фаолияти билан қизиққанларида бунга тўла иқрор бўлдилар.

Текширувлар давомида 11 ҳолатда қонунбузарликлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, чимкентлик Нáзира Асанова Тошкентдан Олматига 2300 килограмм қуруқ сутни ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётганида қўлга тушди. Буни пулга чақсангиз 145 минг сўмни ташкил этади.

Келеслик Анвар Каримов эса Бешкекдан Тошкентга 3000 метр, жами 2 миллион 248 минг 410 сўмлик шифон газламасини олиб келаётган экан. Тошкентлик Аъзам Эгамбердиев Алматидан машинага 1200 та эркаклар кўйлагини босиб келаётганида чегарада ушлаб савол-жавобга тутилди. Ўртачирчиқлик Асилжон Қосимов ҳам кўйлакфурушлик билан шуғулланаётган экан. Албатта, бу уят эмас. Лекин ҳужжат ва рухсат олиб савдо-сотиқ қилса бўлади-ку.

Қонун-қоидани тушуниб-тушунмай бузиш ҳолатлари табора кўпайиб бормоқда. Бу ҳуқуқий билимларнинг камлиги оқибатидир. Тадбиркорларимиз савдо-сотиқдан бўш соатларида фақат пул санамай газета ва журналларни ҳам бир-бир варақлаб, ўз билим ва савияларини оширсалар ёмон бўлмасди. Шунда ҳудабеҳудага дашном емасдилар, қадамларини билиб босардилар.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.**

XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ КУНДАЛИГИ

# ТОШКЕНТ БИЛАН ХАЙРЛАШМАЙМИЗ

**Кечаги бир кун саккиз кунга татиди, десак муболаға бўлмас. Нимасини айтасиз, ўзбекнинг салом-алигидан кўра хайр-хўши қийинроқ кечади, деганлари рост экан. Бўлмаса, дунёнинг тўрт тарафидан келган меҳмонлар ҳазиллашишиб, «Тошкент кинофестивали яна бир ҳафта давом этса яхши бўларди», дейишмасди.**

**Пайшанба куни эрталабдан кечгача ҳаммаининг юрагини ҳаяжон қоплаб олди. Негаки, бир тарафдан, қани қайси фильм учун «Гран-при» бериларкин, деган савол кўпчиликни ўйлантирган бўлса, иккинчи тарафи, яна қачон Тошкентга ташриф буюрар эканмиз, дея анжуман ташкилотчиларидан сўрашарди.**

**Биз эса яна кинофестиваль иштирокчилари ва мезбонларни гурунгга чорлаймиз:**



**Оқтой МИРҚОСИМОВ, режиссёр (Озарбайжон):**

*-- Биз Хусейн Мехтининг «Бировнинг бахти» деган фильмини олиб келдик. Албатта, бизнинг мамлакатда ҳам кино соҳасида катта силжишлар бор. Лекин ўз саҳнангда намойиш қилиш билан бирга, четдаги мухлисларнинг мулоҳазаларини билиш ўртасида катта тафовут борда. Бу, айниқса, киночиликда жуда сезилади. Ўз хатоингни уйингда билмайсан-ку, ташқарига чиқсанг ошкор бўлади. Энг муҳими бизлар тажриба алмашдик.*



*Бу фестиваль бизлар учун бир катта имтиҳон вазифасини ўтади, десак хато бўлмайди. Негаки, ҳар қандай давлатда миллий кинонинг тараққиётга эришиши учун дастлаб ўзга халқлар тажрибалари ҳам ўрганилади. Мен яна бир сирни сизларга айтиб қўяй: ўзим Тошкент кинофестивалларида улғайганман, тўрт марта қатнашганман. Бемалол айтишим мумкин, Тошкентсиз яшаш қийин экан...*

**Муҳаммад ШАРИФ («Би-Би-Си»нинг ўзбек хизмати):**

*-- Жаҳон миқёсида ўтказилаётган кинофестиваллар тажрибасини ҳам Тошкентда синаб кўриш керак. Нега десангиз, мен ҳам ҳар гал матбуот конференцияларига келаётиб ўйлайман-да, жюри ҳайъати аъзолари билан ҳам киночилар билан ўтказилган савол-жавоблар сингари юзма-юз сўзлашиш керак. Бу холис баҳолашда мезон вазифасини ўтайди.*

Кечаги-сўнгги матбуот конференцияси тугагач, журналистлар шошилиб киночилар уйига йўл олишди. Чунки кинофестиваль дастурига биноан бу ерда анжуман якунларига бағишланган давра суҳбати ўтказилиши лозим эди. XII Тошкент кинофестивали Бош директори, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов ўз ишини якунлаётган мазкур анжуман ҳақида қисқача ахборот берди. Жумладан кинофестивалда дунёнинг турли бурчакларидан келган 32 мамлакат вакиллари иштирок этишди. Пойтахтимиздаги бир қанча кинотеатрларда анжуманга олиб келинган 75 та фильм намойиш қилинди. Айтиш жоизки, ушбу фильмларнинг барчаси ўзбек томошабинлари томонидан жуда илиқ кутиб олинди. Шунингдек, 13 мамлакат кино усталари яратган 14 та фильм фестивалда конкурс асосида намойиш этилди. Таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов бошчилигидаги жюри ҳайъати шу фильмларни диққат билан, фестивалнинг шиори талабларидан келиб чиққан ҳолда баҳолади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Фестиваль ташкилий қўмитаси уни ўтказишга пухта ҳозирлик кўрганлиги ҳар лаҳзада яққол сезилиб турди. Қолаверса, бундай эътирофни фестивалга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг ўзларидан ҳам бот-бот эшитишга тўғри келди. Назаримизда, шу ўринда аввало, ўзбек халқига хос бўлган меҳмондўстлик фазилати яна бир бор намойиш этилган бўлса, иккинчидан, Тошкентда кинофестиваллар ўтказиш бўйича тўпланган тажриба ҳам қўл келганлиги, шубҳасиз. Ҳарқалай, анжуман доирасида бўлиб ўтган меҳнаткашлар билан учрашувлар, турли маданий тадбирлар ва Самарқанд зиёрати уларнинг хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши табиий. Давра суҳбатида сўз олган америкалик киноактёр Патрик Килпатрик, туркиялик киноактриса Денис хоним ва бошқалар бу хусусда тўлқинланиб сўзлашди.

Энди Киночилар уйидан чиқаётганимизда яна залда овоз янгради: «Пешиндан сўнг республикамизнинг турли жамоат ташкилотлари томонидан таъсис этилган соврин ва мукофотларни топшириш маросими бўлади!» Яна ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Мукофотни таъсис этган ҳомийлар ҳам, қолаверса, ғолиблар ҳам кўнгиллари фахр ва ғурурга тўлиб ташкилотчиларга, айниқса, киномухлисларига катта раҳматлар айтишди.

Меҳмонхонага кириб кетаётган эдик. Бир қиз секингина чақирди:

-- Исмим Дилфуза, фамилиям Эргашева, талабаман. Бир нарса ҳақида сўрасам майлими сизлардан?

-- Марҳамат!

-- Бугун кинофестиваль тугаётган экан. Аммо бир гуруҳ дугоналарим ҳинд актёрларини кўролмай армонда қолишди. Мен-ку кўрдим. Сўраб берсангизлар, Акбархон яна Тошкентга келармикан?..

Очиғи, чекимизга бундай «хизмат» тушмагани учун «элчилик» қилишга ўйланиб қолдик. Шунда ҳиндистонлик меҳмонларнинг таржимони ёнимизга келса бўладими. Кўп ўтмади, ҳинд киночилари ҳам тушиб келишди. Таржимон қиз ҳалиги қизнинг гапларини ўгирди. У кулиб юборди ва... озгина жимликдан сўнг «Ай лавью Ташкент!» деди ва тўлқинланиб сўзлай кетди: «Тошкентни ҳинд киносининг иккинчи ватани десам лоф бўлмайди. Актёрларимизнинг аксариятини ўзимиздан кўра Ўзбекистонда кўпроқ севишларини эшитганмиз ва биламиз. Шунинг учун яна бир такрорлайман: Тошкент билан хайрлашмаймиз! У билан фақат дийдорлашмоққа келаверамиз...»

Дарвоқе, кинофестиваль ниҳоясига етди. Лекин кўнгиллар сув ичган бу ажойиб байрам ҳақида янаги кинофестивалгача гурунглар, баҳолар, мунозаралар давом этаверади...

**Норқобил ЖАЛИЛ,**
**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**Тўлқин КАРИМОВ (суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

---

**Ўтган йили ЮНЕСКО ҳомийлигида буюк саркарда ҳамда давлат арбоби бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди. Ўшанда мазкур тантаналарнинг маркази Франция пойтахти -- Париж бўлганди. Бу йил эса, яна ЮНЕСКО ташаббуси билан, Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи ҳам Парижда катта тантаналар билан ўтказилади. Бу шубҳасиз, дунё ҳамжамиятининг халқимизни тобора яқинроқ таниётганидан далолатдир.**

**ЎзА мухбирининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон республикаси миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов билан суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.**

# ДУНЁВИЙ ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФ

-- Юбилей тантаналари Парижда 13-20 июнь кунлари ўтказилади, -- дейди А. Икромов. -- Байрам тадбирларини айнан мана шу вақтда ўтказишнинг ўз сабаблари бор, албатта. Аввало, айни шу вақтда ЮНЕСКО ижроия қўмитасининг мажлиси чақирилади. Дунёнинг қарийб барча мамлакатларидан келган дипломатлар, олим ва мутахассислар Парижда тўпланади. Эсингизда бўлса, соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи тантаналари ҳам шундай паллага тўғри келган эди. Энди эса Вазирлар Маҳкамасининг Президент Ислом Каримов имзолаган қарорларига биноан ватанимизнинг икки қўҳна шаҳри юбилейи нишонланадиган бўлди. Юртимизда бу ҳужжатларда назарда тутилган кўплаб тадбирларни юксак савияда ўтказиш учун кенг миқёсда ишлар олиб борилаётгани қувончли.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ЮНЕСКО раҳбарияти, хусусан, унинг раҳбари Ф. Майор Ўзбекистонга ўзгача назар билан қарайди ва унга алоҳида эътибор беради. У 1995 йили ЮНЕСКО бош конференциясида сўзга чиқиб, «ЮНЕСКО учун Ўзбекистон эшиклари очилди. Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, тарихий, меъморий обидалари, анъана ва удумлари ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига ғоят катта улуш қўшганидан далолат беради», деган эди. Ф. Майор 1995 йили Ўзбекистонга ташриф буюрган чоғида шаҳар ва қишлоқларимизда, бозорларимизда бўлиб, кишилар кайфиятига қараб, бундай обод юртни, миллий қадриятлари ва маданий меросини кўз қорачиғидек асрайдиган, эртанги кунига ишонч билан қарайдиган халқни камдан-кам кўрганини эътироф этган эди. Шу боис ҳам, Париждаги тантаналар юқори савияда ўтишига шубҳа қилмаймиз.

Очиғини айтганда, бундай йирик тадбирларни ўтказиш унчалик осон иш эмас. Чунки, ЮНЕСКОга 180 дан ортиқ мамлакат аъзо. Уларнинг барчаси халқаро ташкилот ҳомийлигида ўз маданиятига бағишлаган тадбирларни ўтказишни истайди. Қувонарлиси шуки, Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи тантаналарини ЮНЕСКО шафеълигида ўтказишни барча давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади. Ҳатто Ф. Майорнинг «Дунёда ёши 2000 йилдан ошган шаҳарлар бор давлатлар жуда кам, Ўзбекистоннинг эса бир неча шаҳри ана шундай кутлуғ ёшда», деган сўзлари ушбу тадбирларнинг аҳамияти қай даражада юксак эканидан далолат беради, албатта.

**-- Бевосита Парижда ўтказилиши кўзда тутилаётган тадбирлар ҳақида тўхталсангиз.**

-- Парижда ўтказиладиган тадбирларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бухоро ва Хева шаҳарлари тарихига бағишлаб иккита 400 саҳифадан иборат рангли суратлар билан тўлдирилган альбом чиқарилди. Улар Ўзбекистон олимлари кўмаги билан «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида тайёрланган. Китоблар барчада катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Зеро, Бухоро ва Хева дунё ёдгорликлари рўйхатига киритилган.

Бундан ташқари, катта кўргазма ташкил этилади. Унда халқ амалий санъати, маданий меросимиз намуналари намойиш қилинади. Парижда катта концерт томошалари ўтказилиши, унда асосан, Бухоро ва Хева санъаткорларининг иштирок этиши кўзда тутилган. Франциянинг машҳур театрларида Ўзбекистонга бағишланган «Буюк ипак йўли» номли катта театрлаштирилган томоша, ЮНЕСКО раҳбарияти ҳамда Франция жамоатчилиги билан учрашувлар ҳам байрам мундарижасини янада бойитади.

**-- ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонда бўладиган юбилей тантаналаридаги иштироки ҳам кўплаб тадбирларни ўз ичига олса керак?**

-- Албатта, шу йилнинг октябр ойида Бухоро ва Хевада «инсониятнинг илмий-маданий мероси XXI аср арафасида» мавзуида йирик халқаро анжуман ўтказилади. Айни пайтда, анжуманга дунёнинг қарийб барча давлатларидан олимларни таклиф этмоқдамиз. Бухоро, Хева, умуман, юртимиз ҳақида қимматли тарихий маълумотлар ёзилган китоблар, ушбу шаҳарларга оид сурат ва плакатлар ҳам тайёрланмоқда. Меҳмонлар юртимиз, халқимиз, қадимий шаҳарларимизни ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўладилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бундай йирик тадбирларни ҳамма давлатлар ҳам ўтказавермайди. Ўтган йили Амир Темур юбилейи тантаналари жуда юқори савияда ўтказилгани кўплаб мутахассислар томонидан эътироф этилган эди. Шу кунларда эса Францияда Ўзбекистон делегацияси катта интиқлик билан кутилаяпти. Бу миллий қадриятлари ва маданий меросини кўз қорачиғидек асрайдиган халқимизга кўрсатилаётган эҳтиром, қолаверса, мустақил давлатимизнинг тўғри йўлдан бораётгани ва демократия ғояларини ўзида тўлиқ мужассамлаштираётганидан далолатдир.

**(ЎзА).**

---

# ЮРТИМИЗДА ГЕРМАНИЯ ОЛИМПИЯ ЖАМОАСИ

Футбол бўйича биллур кубок учун баҳслар ўзининг муросасиз, қизиқарли курашларга бойлиги билан доим чемпионат баҳсларидан фарқ қилиб келган. Ўзбекистон кубоги учун олтинчи марта ўтказилаётган бу йилги биллур соврин баҳсларининг 1/8 финал учрашувлари ҳам ана шундай муросасизликдан, кутмаган натижалардан ҳоли бўлмади. Жумладан, Хоразмда меҳмон бўлган «Нефтчи» жамоасининг мезбонлардан 3:2 ҳисобида мағлубиятга учрашини кўпчилик футболсеварлар кутишмаган эди. Зеро, «Нефтчи» мамлакат чемпионатида карвонбошлардан бири бўлса, «Хоразм» аусайдерлар сафида бораётганди. Шунингдек, олий лига вакили «Андижон» клубининг ўз майдонида биринчи лига аъзоси «Темирйўлчи» жамоасидан 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраши биллур кубок баҳсларига нисбатан мухлисларнинг қизиқишини оширди.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳам ўз мухлисларини ҳайратга солди. Тошкентликлар Нукусда «Орол» жамоасини енга олишмади. Учрашувда дуранг (1:1) натижа қайд этилди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Сўғдиёна» -- МҲСК -- 2:2, «Насаф» -- «Трактор» -- 2:0, «Дўстлик» -- «Косонсой» -- 5:1, «Бухоро» -- Атласчи» -- 5:0, «Навбаҳор» -- «Чилонзор» -- 4:0

Такрорий учрашувлар 31 май куни ўтказилади.

Миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида қатнашиши муносабати билан мамлакат чемпионатининг 5 июнда ўтказилиши мўлжалланган учрашувлари 6 июнга кўчирилди. Шунингдек, «Дўстлик» клуби 6 июнь куни Германия олимпия терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиши муносабати билан 8 июнь кунги «Дўстлик» -- «Зарафшон» учрашуви 9 июнга қолдирилди. Германия олимпия терма жамоаси 4 июнда Самарқандда «Афросиёб»нинг меҳмони бўлади.

Юртимизда машғулотлар ўтказиладиган Германия Олимпия терма жамоасининг нима учун айнан «Дўстлик» ва «Афросиёб» жамоалари билан учрашишига қарор қилгани сабабига келсак, у Ўзбекистон олимпия терма жамоаси аъзоларининг аксарияти шу клубларда тўп сураётганлиги билан изоҳланади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# В. Г. КОНЮХОВ



Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Григорьевич Конюхов оғир касалликдан сўнг 1997 йил 28 майда 56 ёшида вафот этди.

В. Г. Конюхов меҳнат фаолиятини 1964 йилда заводда ишчиликдан бошлади. Муҳандислик лавозимларида, пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси, нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё саноати, табиий газ илмий-тадқиқот институтларида илмий ходим бўлиб ишлади.

1980 йилдан бошлаб В. Г. Конюховнинг меҳнат фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари билан узвий боғлиқ бўлди ва уларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшди. 1980 йилда у Ўзбекистон гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. 1988 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, сўнгра биринчи ўринбосар бўлиб ишлади.

Касбининг устаси, чуқур билимга эгалиги, жон куйдириб ишлаши, юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлгани учун В. Г. Конюхов республика фаоллари ва илмий жамоатчилик ўртасида катта обрў ва ҳурмат қозонган эди. Владимир Григорьевич Конюховнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ дўстлари.**

---


Фахрланса арзигулик энг юқори сифат

Bio

CS-7277PTR
CS-6277PTR

Кафолат муддати - 2 йил




Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг: "Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис: Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй. Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05. Факс: 20-12-38.

ТЕЛЕВИЗОРЛАР

**Мультитизим. БИО. Телематн. Ультраяпасқи биокинескоп. Тасвирда тасвир функцияси (2 тюнер). Компактли юқори технологик дизайн. Бошқарув панелининг янги дизайни. Мультистерео (икки канал/NICAM). Овозни икки каналдан чиқариш. Ахборотни экранга бир неча тилда (инглиз, рус, венгер, поляк, чех) чиқариш функцияси. Паст шовқинли кучайтиргич. Тасвирни яхшилашнинг махсус занжири. Видеосигнални яхшилаш тизими. 100 канални созлаш имконияти. Уйқи таймери /соатлар/ қўйиш/ўчириш таймери. Ранг, тиниқлик, аниқлик, овознинг баланд-пастлигини хотирлаб қолиш имконияти. Кабель телевидениеси учун гипер-частоталар полосаси.**

Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | *Тошкент* | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Эскижўва кўчаси, Чорсу бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Қодирий кўчаси, 1, Турон меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | *Фарғона* | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | *Андижон* | Мустақиллик кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

SAMSUNG









ХАЛҚ СЎЗИ — НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85; Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0298, 40.290 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
**Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Рустам АЗИМОВ томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир—О. Раҳимов.**
**Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.**
**Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**
**Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.35** 1 2 3 4 5 6